

Туратов Шухрат Бахромович

“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси, ф.ф.б.ф.д. (PhD)

Жиззах политехника институти

**ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИ: КЕЛИБ ЧИҚИШИ, ТАЪРИФИ ВА
МАЗМУН-МОҲИЯТИ**

Аннотация: Мақолада Янги Ўзбекистонни куриш жараёнида ёшларда жамият олдидаги фуқаролик масъулиятини шакллантиришнинг зарурлиги ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, инсоният, цивилизация, фуқаролик жамияти, бурч, Конституция, миллий, глобаллашув, мафкуравий иммунитет.

Shukhrat Bakhromovich Turatov

Teacher of the "Social Sciences" department, PhD

Jizzakh Polytechnic Institute

CITIZENSHIP: ORIGIN, DEFINITION AND CONTENT

Annotation: The article analyzes the socio-philosophical aspect of the need to form civil responsibility to society in young people in the process of building a new Uzbekistan.

Keywords: New Uzbekistan, humanity, civil society, duty, Constitution, national, globalization, ideological immunity.

XXI аср инсоният цивилизацияси учун кўп жиҳатдан катта ўзгаришлар, туб янгиланиш ва тараққиёт томон бурилиш даври бўлиш билан бирга, табиат ва жамият олдида турли глобал муаммоларни юзага келтирмоқда. Бу жараёнларда мамлакатимизда ёш авлодни комил, юксак маънавиятли инсон қилиб шакллантириш, салоҳиятли ўз бурчига содик, масъулиятли фуқаролар этиб тарбиялаш жамиятимизнинг бош вазифаларимиздан бирига айланди. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда фуқаролик масъулияти ва бурчини тўғри сингдириш фуқаролик жамияти

барпо этишнинг муҳим шартларидан биридир. Хўш, шундай экан, янгиланаётган Ўзбекистон шароитида “фуқаролик” ва “фуқаролик масъулияти” тушунчалари қандай маъно касб этади, деган савол туғилади? Фуқаролик – бу содда қилиб айтганда, фуқаро эканлиги; фуқароларга оидлик; фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатидир. Ҳуқуқ фалсафаси нуқтаи назаридан қараганда, **фуқаролик - бу шахс ва давлат ўртасидаги умумийлик ва ўзаро ҳуқуқлар, бурчлар ва мажбуриятларда ифодаланган ҳуқуқий муносабатлардир.** “Фуқаролик конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ институтларидан бири бўлиб, одатда Конституцияда (асосий қонунда) ёки давлатнинг конституциявий актида ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланади. Шунга кўра, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасида: “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланади” - дейилган. Демак, фуқаролик давлат ва унинг қарамоғидаги шахслар ўртасидаги муносабатлар, давлатдаги ҳар бир инсоннинг конституциявий ва ижтимоий ҳимояси сифатида намоён бўлади: давлат фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олади ва қамқолайди, уни чет элда ҳимоя қилади; ўз навбатида, фуқаро давлатнинг қонун ва қоидаларига сўзсиз риоя қилади, ўзи белгилаган вазифаларни бажаради. Ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг умумийлиги фуқаронинг сиёсий ва ҳуқуқий мақомини ташкил этади, уни чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан ажратиб туради.

Фуқаролик масъулияти инсоннинг маънавий вужудига хос бўлган ажралмас қисмидан бири бўлиб, у фуқаронинг мамлакатдаги ижтимоий етуқлигини кўрсатиб беради. Демак, фуқаролик масъулияти - бу фуқаронинг ижтимоий нормалар ва ўлчовларини билиши, уларни борича қабул қилиши, ўз ҳаракатларининг оқибатлари ва натижаларини баҳолаш

қобилияти, унинг ижтимоий ҳаётида хатти–ҳаракатини белгилайдиган ижтимоий субъектларидан бири ҳисобланади.

Юқорида келтирилган фалсафий таърифдан ҳам кўриниб турибдики, фуқаро масъулияти фалсафий, ҳуқуқий, социологик ва сиёсий моҳиятга эга бўлган тушунча бўлиб, у фуқаронинг муайян давлатга мансублигини англаш, давлат олдидаги бурч ва мажбуриятларини ифодалаш учун ишлатилади. Фуқаро масъулияти давлат фуқаросининг давлатни, конституцияни, давлат рамзларини ҳурмат қилиши, давлат тузумини ва қонун устуворлигини ҳимоя қилишдаги бурч ва масъулият туйғусини ўзида ифодалайди. Фуқаролик масъулияти инсоннинг жамиятдаги ҳуқуқий мақоми, унинг дунёқараши жамиятда ўрнини англаши, ижтимоий меъёрларни билиши ва уларга амал қилиш жараёнидаги бурч ва дахлдорлик туйғусига тааллуқлидир. Жамият тараққиёти жараёнида фуқаролар томонидан амалга ошириладиган бирдамлик, ўзаро ҳамкорлик, Ватанга садоқат ва ватанпарварлик шахснинг фуқаролик масъулиятига тегишли бўлиб, фуқаролик масъулияти юртимизда яшаётган фуқароларнинг Ватанига содиқлиги, мамлакат қонунларини ҳимоя қилиши, уларга бўйсунуши, Ватанни ҳимоя қилиши, умуммиллий аҳамиятга эга бўлган масалаларда фаоллик кўрсатиб меҳнат қилиши, Ватан равнақига ҳисса қўшиш жараёнидаги бурч ва жавобгарлик туйғусини ўзида ифодалайди. Инсон жамият ҳаётида ўзининг эрки, ҳуқуқи ва масъулиятига кўра эркин бўлса, бошқа томондан у кишиларнинг жамият ҳаётидаги бирдамлиги ва мажбуриятини ҳам ўзида ифодалайди.

Хулоса ўрнида, Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшларга глобаллашув, замоннинг салбий таъсирини камайтириш ва уларни дахлдорлик асосида маънавий комил шахс этиб тарбиялаш учун Ватан, халқи олдида маъсулиятни бугунги кунда тўғри англаши ҳамда шаклланиши зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир //Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Тошкент, Ўзбекистон, 2018 йил, 36-37 бетлар.
2. “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролиги тўғрисида” Қонуни// Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Сон 6.- Т.: Адолат, 1993. - Б.23.
3. Ўзбек тилининг изохли луғати. II жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 555 бет
4. Нўмонова Д.У. Ўзбекистон замонавий маънавий-маданий тараққиётида аёллар масъулиятини оширишнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили 09.00.04- Ижтимоий фалсафа. Фалсафа фани бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Самарқанд. 2020. 14 бет.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси. Миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти. (Тажрибавий қўлланма).Тошкент, Ғофур Ғулом нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. –Б. 43.
6. Ibodullaevich, K. K. (2022). Causes of Corruption, Socio-Political Consequences. Vital Annex: International Journal of Novel Research in Advanced Sciences, 1(1), 1-4.
7. Саитқосимов А.И. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш жамият барқарорлигининг муҳим мезони // “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами. Тошкент, 2019 йил, 192 бет.
8. Khidirov, K. I., & Gofurova, S. S. (2021). The United Kingdom has a special textbook for detecting facts of corruption. Scientific progress, 2(1), 121-124.

9. Ibodullaevich, K. K. (2022, April). In the fight against justice and corruption as an effective road. In E Conference Zone (pp. 370-372).
10. Ибайдуллаев, Т. Г. (2020). Узбекская национальная одежда в период глобализации: проблемы и решения. In Культура в евразийском пространстве: традиции и новации (pp. 56-62).
11. Tajibayev, M. A., & Axmedov, J. T. (2022). Sinergetik yondashuv-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantirishning asosiy jihatlaridan biri sifatida. Scientific progress, 3(3), 527-532.
12. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). The concepts of sustainability and instability in synergetics are an important principle. Scientific progress, 3(3), 930-933.
13. Kholbekova, M. A. T. U. (2022). Applications and developments of synergetics. Scientific progress, 3(3), 942-945.
14. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). Content of the concept of synergetics. Scientific progress, 3(3), 938-941.
15. Kulmatov, P. M., & Tajibaev, M. A. (2022). Synergetic as a factor for the development of modern science. Scientific progress, 3(3), 925-929.
16. Tajibaev, M. A., & Kholbekova, M. U. (2022). Synergetic methodology serves humanity. Scientific progress, 3(3), 934-937.
17. Abdurashidovich, T. M. (2022). Yoshlarda sinergetik dunyoqarashni shakllantirish omillari. Integration of science, education and practice. scientific-methodical journal, 3(3), 203-207.
18. Abdurashidovich, T. M. (2022). Sinergetika-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantiruvchi bilim sifatida. Fan, ta'lim, madaniyat va innovatsiya, 1(2), 69-73.
19. Azimova, S. Y., & Tojiboev, M. A. (2021). Improvement of spiritual and educational work it is our important task. Scientific progress, 2(5), 544-548.